

## Таъзия



12:05 / 15.08.2021 1413

«Nilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали ижодий гуруҳи Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларининг вафотлари муносабати билан марҳумнинг барча оила аъзоларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло муфтий ҳазратларининг юртимизда динимизнинг равнақи йўлида қилган барча хизматларини, жамики солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, чеккан дардларини каффорат қилсин, Ўз мағфиратига олиб, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

*«Мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз», деган сабрлиларга хушxabар беринг».*

**Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!**